

**ШАРТНОМА № 01-20 /3**  
**(Хужжатларни саралаш ва тартибга келтириш)**

Тошкент вилояти

«01» феврал 2022 й.

Тошкент вилояти Давлат архиви, кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилувчи, директори М.М. Умарова бир томондан ва иккинчи томондан “Ipoteka bank” ATIB Toshkent viloyat filiali, кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилувчи, в.в.б. М..Мухаммадиев, ушбу шартномани қўйидагилар ҳакида туздилар:

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.**

1.1. «Буюртмачи» топширигига кўра «Ижрочи» архив хизматларини кўрсатишни ўз зиммасига олади, «Буюртмачи» эса, кўрсатилган хизмат учун «Ижрочи» га ҳак тўлайди.

**I. ТОМОНЛАР ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

2.1. «Ижрочи»:

- шартнома асосиз бекор килиниши холатида, шартнома асосида бажарилган ёки бажарилаётган ишлар учун «Буюртмачи»дан ҳак талаб килишга ҳаклидир.

- ушбу шартнома “31” декабр 2022 йилга кадар икки томонлама келишув асосида тузилди;

2.2. «Буюртмачи»:

- шартнома асосида бажарилаётган иш жараёни ва иш сифатини назрат килиш, ҳамда шартнома шартлари бажарилмаслиги натижасида келтирилган зарарни копланишини талаб килишга ҳаклидир.

**II. ХИЗМАТЛАР НАРХИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.**

3.1. Шартноманинг тузилган вактдаги баҳоси: 10 808 100 (ўн миллион саққиз юз саққиз минг бир юз) сўмни ташкил этади.

3.2. «Буюртмачи» шартнома тузилган санадан 3 кун мобайнида шартнома баҳосининг 30% микдорида олдиндан тўлов ва колган 70% кисмини эса, бажарилган ишни кабул килиш – топшириш далолатномаси тузилган санадан 10 кун мобайнида «Ижрочи»нинг шахсий хисоб ракамига пул ўтказиш ўйли билан тўлов амалга оширади.

3.3. Иш хажми ва томонлар келишувига кўра, тўлов, бажариладиган иш учун 100% олдиндан ёки боскичма-боскич кисман бажарилган иш учун ҳар бир имзоланган хужжатга асосан амалга оширилиши мумкин.

3.4. Шартнома нархи Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлигининг 2021 йил 9 мартағи 01-27/300-сонли хатининг 2-иловаси асосида тасдикланган Давлат архивлари томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматларнинг ягона Нархномаси, «Ўзархив» Агентлиги тизимида давлат архивлари томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматларнинг ягона нархномасини кўллаш бўйича кўрсатмаси, ҳамда томонлар келишуви асосида белгиланган.

**III. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

4.1. Шартнома тамонлари шартнома бўйича ахборотларни маҳфийлиги таъминланиши учун жавобгардирлар.

4.2. Томонлар шартномани бажаришлари жараёнида юзага келадиган барча низоларни музокара йўли билан ҳал этади.

4.3. Ўзага келган келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал этишнинг имкони мавжуд бўлмаган тақдирда томонлар ўртасида низолар Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилиги асосида кўриб чикилади

**IV. ФОРС-МАЖОР**

5.1. Шартнома тузилганидан сўнг юзага келган ва уни томон имконият доирасида чоралар билан бартараф эта олмаган (форс мажор) куч оқибатида ушбу Шартнома бажарилмаган ёки кисман бажарилмаган бўлса томонлар мажбуриятларнинг кисман ёхуд тўлиқ бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.

5.2. Бартараф этиб бўлмайдиган куч холатлари улар бунинг учун ваколатга эга бўлган органлар томонидан белгиланган тартибида тасдикланган тақдирда форс- мажор холати этиб хисобланади.

**V. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

6.1. Мазкур Шартнома томонлар учун биттадан икки асл нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эга.

6.2. Шартнома имзоланган пайтдан эътиборан ва унда кўрсатилган мажбуриятлар томонлар тарафидан тўлиқ бажарилгунга қадар кучга эга.

6.3. Ушбу шартномада назарда тутилмай колган барча мажбурият ва жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилик хужжатлари билан тартибга солинади.

**VI. ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОСИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ**

«ИЖРОЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ АРХИВИ**

111221, Тошкент вилояти, Қиброй тумани,  
Янгибод к.ф.й. Миллий-бог кўчаси, 27-А уй.

ш.х/р: 4001 2186 0272 4870 1330 0065 001

СТИР: 201177540, ОКЭД: 91010, Тел.: (71) 266-59-17

Ўз.Р. Молия вазирлиги Газначилиги

Фазна х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

Банк: МБ ББ ХККМ Тошкент ш.

МФО: 00014, СТИР: 201122919

Директор:  М.М. Умарова

Рахбар: 

